

**TARMITA IS THE LARGEST BUDDHIST CENTER IN TERMEZ CENTRAL ASIA****Z.E. Kholikov**

Associate Professor, PhD

Termez State University

Termez, Uzbekistan

**ABOUT ARTICLE**

**Key words:** Buddhism, Buddhism, Termez, archeological monuments, cultural monuments, Central Asia, pilgrimage tourism.

**Abstract:** The article discusses the network - Termez, the largest Buddhist center in Central Asia.

**Received:** 02.06.22**Accepted:** 04.06.22**Published:** 06.06.22**TARMITA - ТЕРМИЗ ЎРТА ОСИЁНИНГ ЙИРИК БУДДАВИЙЛИК МАРКАЗИ****З.Э. Холиқов**

Доцент, PhD

Термиз давлат университети

Термиз, Ўзбекистон

**МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** Будда, буддизм, тармита, археология обидалари, маданий обидалар, Марказий Осиё, зиёрат туризми.

**Аннотация:** Мақолада тармита - Термиз Ўрта Осиёнинг йирик буддавийлик маркази ҳақида муҳокама қилинган.

**TARMITA – КРУПНЕЙШИЙ БУДДИЙСКИЙ ЦЕНТР В ТЕРМЕЗЕ СРЕДНЕЙ АЗИИ****З.Э. Холиков**

доцент, PhD

Термезский государственный университет

Термез, Узбекистан

**О СТАТЬЕ**

**Ключевые слова:** Буддизм, буддизм, Тармита, археологические памятники, памятники культуры, Средняя Азия, паломнический туризм.

**Аннотация:** В статье рассматривается сеть - Термез, крупнейший буддийский центр Средней Азии.

## КИРИШ

Термиз Кушон подшолиги даврида буддавийлик маданиятининг гуллаб яшнаган даврига кирди. Аслида Шимоли ғарбий Бактриянинг қадимги давр шаҳарлари тарихига эътибор берадиган бўлсак, термиз Бактриянинг Юнон Бактрия подшолиги давридан бошлаб йирик савдо ҳунармандчилик маркази бўлганлигини гувоҳи бўламиз. Шимолий Бактриянинг Далварзинтепа, Тармита, Кампиртепа каби шаҳар харобаларида олиб борилган археологик тадқиқотлар орқали Кушон даври буддавийлик маданиятининг тараққиёт динамикаси ўрганилди.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Буддизм дини Бактрия ҳудудига эрамиздан аввалги III асрнинг охири ва II асрнинг бошларида Ҳиндистондан, яъни унинг Гандхара (Панжоб), Нагахара (Ҳиндикуш) ўлкалари оша кириб келган. Агар буддизм дини Ҳиндистонда пайдо бўлиб, бошқа ўлкаларга кенг тарқала бошлаган бўлса, Бактрияда бу давлат дини даражасига кўтарилиб, назарий жиҳатдан мукамаллашиб, сўнгра Еттисув, Қошғар ва Или воҳалари орқали аввало Хитойга, сўнгра Кореяга ва ниҳоят кунчиқар мамлакат Япон оролларига милодий VII асрда кириб борган[1].

Милодий 629/630 йилларда Бактрияга ташриф буюрган будда роҳиби Сюань Цзян Тармита (Тами) шаҳрида 10 та буддавийлик ибодатхонаси ва 1000 нафар будда роҳиблари борлиги ҳақида маълумот бериб, ибодатхоналарнинг 5 таси Чағаниёнда жойлашганлигини эътироф этилади. Шундан кўриниб турибдики, Термиз шаҳри Кушон даврининг йирик сиёсий, иқтисодий, маданий ва савдо ҳунармандчилик маркази сифатида танилган.

Тармита-Термиз шаҳрида бу даврда буддизм дини ва унинг маданияти ҳаётнинг барча соҳаларига тез кириб келди. Хусусан, буддизм маданият ва санъатнинг ҳомийси сифатида кўзга ташланади. Буддизм динининг йирик ғоявий марказлари сифатида Қоратепа ва Фаёзтепа монастырлари шу давр маданиятининг тараққиётидан дарак беради. Худди шу даврда Термиз шаҳрининг майдони 350 гектарни ташкил этади. Шаҳар шарқий ҳудудларга қараб кенгайиб борган. Унинг шарқий томонидаги Зурмала ступаси ҳам Термиз шаҳрининг ўша даврда йирик буддавийлик маркази бўлганлигидан дарак беради.

Агар биз эътибор бериб қарасак буддизм дини билан боғлиқ иншоотлар ва ибодатхоналар шаҳар ташқарисида барпо этилган. Шаҳар бу даврда савдо қарвонлари келиб тушадиган йирик савдо ҳунармандчилик маркази сифатида ҳам машҳур бўлган.

Фаёзтепа шаҳар ташқарисида ҳозирги Шеробод Термиз автомагистралининг чап томонида, Қоратепадан 1 км шимоли ғарбда жойлашган. Бу иншоотнинг кейинги тадқиқотларда монастырь бўлганлиги тасдиқланган[2]. Бу ёдгорлик устида 1968-1976

йилларда Л.И.Альбаум изланиш олиб борган. Аммо илмий изланишларнинг натижалари эълон қилинмаган.

Шунинг учун 2004-2006 йилларда Юнесконинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Термиз давлат университети ўртасидаги шартномага кўра, ёдгорликда археологик тадқиқотлар олиб борилди. Қазилар ишлари жараёнида унинг қурилиш даври, ўлчамлари, саналари, сопол буюмлар ва тангалар асосида ўрганилди. Экспедиция археолог олим тарих фанлари номзоди Т.Ж.Аннаев бошчилигида янги натижаларга эришди.

Фаёзтепа монастырь тўғри бурчакли тарх асосида томонлари 34x113 метр ўлчамда барпо этилган иншоотдир. Унинг қурилиши кунчиқиш томонга қаратилган. Иншоот уч қисмдан иборат бўлиб, хўжалик ёки ошхона, қабулхона ёки марказий ибодат қисми ва меҳмонхона қисмларидан иборат. Марказий қисми айланасига айвонли ва устунли қилиб қурилган хоналардан иборат. Унинг ғарбий томонидаги марказий хона бош қоҳин учун мўлжалланган бўлиб, бу хона Фаёзтепа ступасига симметрик тарзда жойлашган. Зиёратнинг асосий маросими шу қисмда ўтказилиб, иншоот айвони деворий суратлар билан безатилган. Бош хонага кирверишдаги чап томондаги тоқчадан машҳур будда учлиги топилган. Қабулхонанинг шимолий девори яқиндан шер боши тасвирланган тош ҳовуз топилган.

Ёдгорликдан топилган ҳайкалтарошлик намуналари ва архитектура декорацияларининг барчаси оҳақтошдан ясалган. Оҳақтошнинг қони Тармита Термиз шаҳридан 18 км масофада Амударёнинг юқори оқими бўйлаб жойлашган Хўжа Гулсувар (Хўжа Гулсуяр) манзилгоҳига локализация қилинган.

Фаёзтепа ёдгорлигидан топилган кўплаб сопол буюмларнинг бўлақларида брахма, кхароштва, санскрит ва қадимги бақтрия ёзувларида битилган ёзувлар учрайди. Улар бу ёдгорликнинг ҳақиқатдан монастырь эканлигини тасдиқлайди. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Тармиталик буддавий роҳиблар Гхошока ва Дхармамитра қадимги ҳинд тилидаги будда аҳкомларини таржима қилиб, уларни шарқ мамлакатларидан келган сайёҳ роҳибларга ўргатишган. Сопол буюмларнинг бирида “устоз” деган ёзув учрайди[6].

Шу жиҳатдан Фаёзтепа ўзининг тарихий аҳамияти билан Ўрта Осиёнинг энг машҳур буддавийлик монастыри бўлган деб ҳақли хулоса чиқара оламиз.

Кушон даврида Тармитанинг энг йирик буддавийлик ибодатхонаси Қоратепа ёдгорлиги ҳисобланади. Бу ёдгорлик 1926 йилда В.Стрельков томонидан аниқланган. Тармилада буддавийлик маданиятини ўрганиш 1932 йилда Амударёнинг ўнг қирғоғида топилган Айритом фрезаларининг топилишидан бошланган. 1936 йилда М.Е.Массон бошчилигида шаклланган ТАКЭ (Термиз археологик комплекс экспедицияси) Қоратепада илк қазилар ишларини олиб борди.

XX асрнинг 60 йилларидан бошлаб Санкт Петербургнинг Эрмитаж музейи, Москванинг Шарқ маданиятлари музейи илмий ходимлари Б.Я.Ставиский бошчилигида салкам 40 мобайнида Қоратепа ёдгорлигида илмий тадқиқотлар олиб борди.

Қоратепа ёдгорлиги ўрнидаги ибодатхона Кушон подшоларининг ёрқин намояндаси Канишка I даврида буддизм давлат дини деб эълон қилингандан сўнг қурилиб бошланган. Бу даврда Кушон подшоларининг территорияси жануби шарқда шимоли ғарбий Ҳиндистон ва шимоли шарқда эса Хўтон Қошғар худудларини ҳам ўз ичига қамраб олган. Мана шу тарихий шарт шароит Тармита шаҳрида буддавийлик маданиятининг гуллаб яшнаши учун замин яратган эди.

1998 йилдан бошлаб Қоратепа ёдгорлигида Ўзбек ва Япон халқаро археологик экспедицияси Ш.Р.Пидаев раҳбарлигида илмий тадқиқотлар олиб борди. Экспедиция асосан ёдгорликнинг шимолий ва ғарбий тепаликларида изланишларни давом эттирди. Шимолий тепаликда ҳали Шимолий Бактрияда маълум бўлган ступаларнинг энг йирик каттаси ва маҳобатлиси очиб ўрганилди. Бу ступанинг пойдевори аввало икки зинали ва тўғри тўртбурчак шаклда бўлган. Архитектура тарҳланишига кўра, ступа шимолий тепаликнинг катта қисмини эгаллаб, очик осмон тагида қурилган ер усти иншоотларининг асосий қурилишини ташкил этган.

Қоратепа майдони 8 гектардан ортиқ ер ости ва ер усти иншоотларини ўз ичига олади. Қоратепа ибодатхонасининг деворий суратларида будда, бодхисатва ҳамда будда қоҳинларига тухфа бераётган донаторларнинг суратлари, бундан ташқари дунёвий характерга эга бўлган суратлар ҳам топилган[6].

Ступанинг ўрганилиши Қоратепа буддавийлик марказининг янги хусусиятлари билан бир қаторда Бактрияда ступалар қурилишининг эволюцион тараққиётидаги янги босқични кўрсатди. Ступаларнинг безатилиши ва уларнинг атрофида ўтказиладиган маросимлар ҳақидаги тасаввурларимизни янада бойишига олиб келди.

Ёдгорликнинг ғарбий қисмидаги тепаликда ер ости ва ер усти маҳобатли иншоотлар очиб ўрганилди. Бу ердаги ғорсимон иншоотларнинг структураси ва уларнинг ер усти иншоотлари билан туташган ҳолатдаги қурилиши, ҳар иккита ёки учта ғорсимон иншоотнинг битта ҳовлига бирлаштирилиши ва кичик ҳовлилар айланасига устунли айвон билан ёпилиши, пешайвонлар деворларининг тоқчалар ва турли деворий суратлар билан безатилиши, айниқса бадий санъат намуналарининг топилиши билан диққатимизни тортади.

Кичик ҳайкалтарошлик намуналари ҳам оҳақтошдан ясалган. Бундай топилмаларнинг сони 30 нусхадан ортади. Ҳайкалтарошлик намуналарининг барчаси шимолий тепаликдаги ступанинг атрофидан топилган. Ҳайкалтарошлик асосан будда, бодхисатва, аскетлар, совға

берувчилар, фил, шер, бургутсимон грифонлар, Горуда – гарутмат акс эттирилган намуналардан иборат. Асарларнинг барчасида юқори даражадаги нафислик ва профессионаллик сезилиб туради.

### ХУЛОСА

Археологик топилмаларнинг ва ҳайкалтарошлик намуналарининг тарихий қиммати шундаки, бадий санъатнинг бу даражадаги тараққиёти нафақат Кушон даври Тармита Термиз бадий амалий санъатида, балки бутун Кушон даври Бактриясининг бадий амалий санъати тараққиётида оҳактошдан кўплаб санъат асарларининг яратилганлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Кичик санъат асарларидан бири Горуда ҳайкалчаси Бактрия бадий санъатининг юқори даражада тараққий этганлигидан дарак беради. Қадимги ҳинд манбаларида Шива ва Лакшми маъбудлари учиб бораётган афсонавий қуш Горуданинг устида ўтирган ҳолатда тасвирланади. Бундай санъат асарлари Бактриянинг буддавийлик санъатининг қадимги Ҳиндистоннинг Гандхара буддавийлик маданият марказлари билан узвий алоқада бўлганлигини кўрсатади[7].

Тармита Термиз Ўрта Осиёнинг буюк йўллар чорраҳасидаги шаҳри сифатида қадимги Шарқ халқлари билан узвий иқтисодий ва маданий алоқада бўлган йирик савдо ҳунармандчилик маркази сифатида ҳам тарих саҳифаларида муҳрланган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Пидаев Ш.Р., Кюдзо К. Новое о буддизме Кушанской Бактрии//Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни.Т.,2001.106-108 бетлар.
2. Аннаев Т.Ж. Эски Термизнинг буддавийлик иншоотлари//Термиз буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т. 2002.
3. Пидаев Ш.Р. Қадимги Ўзбекистонда буддавийлик ва буддавий мерос.Т.,2011.
4. Ставиский Б.Я.Кушанская Бактрия: проблемы истории и культуры.М.,1977.
5. Ставиский Б.Я. Основные итоги раскопок Кара-тепе в 1961-1962 гг.-Буддийский пещерный монастырь в Старом Термезе.
6. Пидаев Ш.Р., Ж. Фуссман, Аннаев Т.Ж. Буддийские памятники Старого Термеза. Париж 2011.
7. Холиков З.Э. Горуда и о других персонажей найденных из Каратепе. Пенджикент-2018.
8. Karimova, N., Sadibekova, B., & Usmonova, S. (2021). The Roads of Central Asia-to the History of Buddhism. *TJE-Tematics journal of Education*, 6.

9. Odilov, B. A., & Karimov, N. R. (2020). Analysis of Targeted Research in 20-30 Years of the XX Century. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(6), 8887-8893.

10. Karimova, N. E., Sadibekova, B. D., Hasanova, N. N., Sadullayeva, S., & Abdurashidov, N. (2020). Smart management as an innovative way to manage change in the process of globalization. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(6), 1221-1225.